

Фиқҳ илмининг бир неча хусусиятлари бор



13:47 / 20.01.2025 1305

Кўпчиликка маълум ва машҳурки, фиқҳ илмининг бир неча хусусиятлари бор. Масалан, фиқҳ илмининг жазонинг дунёда ва охиратда бўлиши, шумул, яъни кенг қамровлилик, муруна, яъни мослашувчанлик, сабот, яъни ўзгармас ҳукмлар, тайсир, яъни умматга енгиллик қилиш, харажни, яъни машаққатни кетказиш каби хусусиятлари бор.

Ҳанафий фиқҳининг ривожланиш босқичлари ҳамда унга нисбат бериладиган шубҳалар ҳақида сўзлашдан олдин икки масалада қўшимча қилишни лозим топдик.

Масалан, фиқҳ илмининг жазонинг дунёда ва охиратда бўлиши, шумул, яъни кенг қамровлилик, муруна, яъни мослашувчанлик, сабот, яъни ўзгармас ҳукмлар, тайсир, яъни умматга енгиллик қилиш, харажни, яъни машаққатни кетказиш каби хусусиятлари бор. Уларни кўпчилигимиз биламиз, илгари бу мавзулар ҳақида кўп эшитганмиз.

Шомиллик, яъни қамровнинг кенглиги, деганимизнинг маъноси шуки, дунёда ҳеч бир қонун, ҳеч қайси низом инсон ҳаётини фиқҳчалик тўлиқ қамраб ололмайди. Дарҳақиқат, банданинг Аллоҳ таоло билан муомаласига ҳам, ўзи яшаётган жамият билан, жуфти ҳалоли билан, оиласи билан, қўни-қўшилари, яшаётган давлати ва ҳоказолар билан муомаласига ҳам айнан фиқҳ илми мезон қўйиб бериб, ушбу алоқаларни тартиб-интизомга келтиради. Кўриниб турибдики, бунчалик кенг қамровли

тармоқни фикҳдан бошқа жойдан топа олмайсиз.

Аслида тўхталиб ўтмоқчи бўлган нуқта ушбу «шумул» хусусияти ҳақида эмас, балки «муруна», яъни мослашувчанлик ва «сабот», яъни ўзгармас ҳукмлар борасида эди. Эътибор берган бўлсак, фикҳ қонуниятлари қадимдан чўлу биёбон, саҳроларда ҳам, ривожланган шаҳарларда ҳам татбиқ этиб келинмоқда. Ўн аср олдин ҳам амалда қўлланилган, ҳозирги кунда ҳам қўллай оламиз. Мана шу хусусият фикҳнинг «мослашувчан»лигини сифатлаб беради, яъни фикҳдаги мана шундай улкан мослашувчанлик туфайли биз уни ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда ҳаётга татбиқ қила оламиз.

Хўш, фикҳдаги бу мослашувчанлик, универсаллик қаердан келган? Албатта, фикҳда турли-туман ихтилофлар борлигидан келиб чиққан. Шунга кўра, фикҳ илми гоҳида «ихтилоф илми» деб ҳам аталади. Фикҳдаги ихтилофларнинг бор бўлиши зарурий нарсадир. Бунда ихтилофнинг муайян мазҳаб ичида бўлиши ёки мазҳаблараро бўлишининг фарқи йўқ. Агар биз фикҳни биргина фикрдан иборат десак, ушбу ягона ҳукмни барчага баробар татбиқ этмоқчи бўлсак, ўзимизни катта қийинчиликка дучор этган бўламиз.

Бугунги кунда ташаддуд йўналиши фикҳий ихтилофларга барҳам беришни, фикҳда ягона фикр бўлиши кераклигини ёқлаяпти. Уларга қолса, умуман, ихтилоф деган нарса бўлмаслиги керак. Бу йўналиш тарафдорлари, масалан, ҳаммада бир хил соқол, бир хил кийим, барча масалада бир хил ҳукм бўлишини хоҳлайди.

Бизнинг баҳсимиз асосан ташаддуд, мўътадиллик ва таҳаллул йўналишлари борасида бўлади.

Юқорида айтганимиздек, ташаддудчилар фақатгина битта фикрни қабул қилишади, ихтилоф бўлишини инкор қилишади.

Аҳли сунна вал жамоа сифатида бизнинг қоидамиз бундай: «Фикримиз тўғри, лекин хато бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Биздан бошқаларнинг фикри нотўғри, лекин тўғри бўлиш эҳтимоли ҳам бор».

Қоидамиз шу. Ҳанафий мазҳаби вакили сифатида мен ҳам: «Менинг фикрим тўғри», дейман. Бу 99 фоиз ёки 99,9 фоиз тўғри дегани бўлади. Лекин «Менинг фикрим ҳақ!» демайман, «Менинг фикрим тўғри», дейман. Шунда гарчи 1 фоиз ёки 0,1 фоиз бўлса ҳам, мендан бошқаларнинг фикри ҳам тўғри бўлиш эҳтимоли бор бўлади. Мана шу эҳтимол мени

бошқаларнинг фикрини тўғри қабул қилишга, улар билан ҳамжиҳатликда яшашга ундайди. Шундагина мен мазҳаблар ўртасидаги жузъий ихтилофларни тўғри қабул қила оламан. Шундагина мазҳаблар орасидаги ихтилоф ўша мақталган ихтилоф бўлади.

Шунга кўра, фикҳнинг универсаллиги айнан мазҳаблар ўртасидаги жузъий ихтилофларнинг борлигидан келиб чиққан. Бунинг самараси шуки, агар ҳанафий мазҳабимиздаги бир масалага амал қилиш вазият сабабли торлик қилиб қолса, масалан, шофеъий мазҳабидан фойдаланиб туришимиз мумкин. Мисол учун, ҳаж ойларида ёки Рамазон ойида Масжидул Ҳаромда намоз ўқияпсиз, дейлик. Бу вақтларда у ерда жуда катта издиҳом бўлади, оломон ниҳоятда тирбанд бўлади. Фараз қилайликки, олдингиздаги сафда ёки ёнингизда аёл киши намоз ўқияпти, сиз эса намозга иқома айтилаётгани учун бошқа жойга ўта олмадингиз. Бу ҳолатда бизнинг мазҳаб қоидасига кўра, намозингиз дуруст бўлмай қолади. Лекин бошқа мазҳаб бўйича дуруст бўлаверади. Демак, бошқа мазҳабга кўра намозингиз дуруст бўлишига имкон бор экан. Кўриниб турибдики, ихтилоф бизга торчилик пайтида кенглик берди, биз ундан фойдаландик.

Худди шунингдек, ҳар бир мазҳаб ичида ҳам бир қанча ички ихтилофлар бор. Масалан, бир масала бўйича мазҳаббошилар томонидан уч хил, тўрт хил, беш хил фикр айтилган бўлиши мумкин, яъни мазҳаб ичидаги уламоларимиз ҳам ихтилофлар қилишган. Бу ихтилоф ҳам маълум бир енгиллик келтириб чиқаради, масалани амалда татбиқ қилишга имконият яратади.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.